Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 31 март шанба

Сотувда эркин нархда № 65 (2627)

## Президент Ислом Каримовнинг китоби – поляк китобхонларига

***Бугунги кунда Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китоби бир қанча тилларга таржима қилиниб, жаҳоннинг ўнлаб давлатларида чуқур ўрганилмоқда. Эндиликда польшалик китобхонлар ҳам мазкур асар билан танишиш имконига эга бўлди.***




Давлатимиз раҳбарининг ушбу асари Варшава университетининг Сиёсатшунослик фанлари институти сиёсат психологияси марказида халқаро тадқиқот дастури асосида Дорота Мушинска-Волни томонидан поляк тилига ўгирилди. Нашр "Ҳозирги Марказий Осиё" махсус китоблар туркумида "Сиёсий раҳбарлар" лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Китоб Варшава университетининг Сиёсатшунослик фанлари институти "Политейя" жамғармаси ёрдамида "Елипса" нашриётида чоп этилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган нашрни тайёрлашда таниқли олим ва муҳаррирлар Тадеуш Бодио, Адам Войташик, Войцех Якубовски иштирок этди.

Ислом Каримовнинг мазкур китобига чет элда қизиқиш катталигининг боиси шундаки, унда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мақсад ҳамда вазифалари аниқ баён қилинган ва асослаб берилган. Ўтган аср охирида дунё харитасида мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйган янги суверен давлатлар пайдо бўлди. Шу сабабли Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган ислоҳотлар сиёсатига катта қизиқиш билан қаралмоқда. Зеро, давлатимизнинг кишиларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қодир замонавий бозор иқтисодиётига эга демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги тажрибаси — жуда ноёб. Тарихан қисқа даврда жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларида улкан ютуқларга эришилди, бунга юртимиз меҳмонлари ҳам ишонч ҳосил қилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон халқаро хўжалик муносабатларининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди, оламшумул муаммоларни ҳал этишда ўзининг эътиборли фикрига эга.

Бироқ ислоҳотлар ва янгиланиш йўли равон ва машаққатсиз эмас. Президент Ислом Каримов ўз китобида таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда янги мустақил давлатлар хавфсизлиги ва барқарор ривожланиши муаммолари катта аҳамият касб этмоқда. Қандай қилиб хавфсизликни сақлаб қолиш, барқарорликни таъминлаш ва тараққиёт йўлидан

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — Германия: ҳамкорлик уфқлари



## Ҳавас қилса арзигулик

***Наврўзи ажамнинг қутлуғ кунларида Фарғонада фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг сони яна биттага ортди. Фуранли бирикмалар бирлашмаси таркибида пахта линтидан целлюлоза тайёрлаш корхонаси тажриба тариқасида синовдан ўтказилди.***

Ғоят мураккаб кимёвий жараёнларни бажарадиган бу ноёб иншоотни тиклаш, асбоб-ускуналарни олиб келиш, монтаж қилиш, агрегатларни созлаш ва, ниҳоят, дастлабки маҳсулотни олиш — барча ишларни Германиянинг жаҳонга машҳур «Унион матекс» корпорациясининг «Лайнер» фирмаси техник-муҳандислари, созловчи ва монтажчилари амалга оширишди. Замонавий асбоб-ускуналарни харид қилиш учун 61 миллион доллар миқдорида маблағ сарфланган бўлса, шунинг 55 миллион доллари чет эллик сармоядорларнинг кредит улушига тўғри келди.

Янги корхонада синов тажрибаларини ўтказишга бағишланган тантанада водийдаги кимё саноатининг барча ташкилот ва корхоналари вакиллари иштирок этдилар. Чунки бу ерда ишлаб чиқариладиган хомашёга бир қатор жамоалар кўз тикиб турибди.

Корхонада пахта чиқиндиси — линт мураккаб технологик жараёнларда қайта ишланиб, целлюлоза олинади. Сўнгра ана шу ярим хомашё «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тратцеллюлоза тайёрлаш корхонасига узатилади. Бу ерда яна ишлов берилиб, диацетат, яъни мураккаб эфирли целлюлоза ҳолатига келтирилган маҳсулот эса сунъий тола корхонасига юборилади.

Бундай дейишимизнинг боиси бор. Мана, икки йилдирки, Германиянинг «Хема-Балке-Дюр» фирмаси томонидан 102,4 миллион немис маркаси ҳисобига бунёд этилган «Полиамид-6» иншооти ҳаракатсиз ётибди. Энди хомашёнинг шундоқ мазкур корхонадан овоз етарли масофада ишлаб чиқарилиши бир йўла барча муаммоларни ҳал қилди қўйди. Аввало, 300 нафардан зиёд ишчи қадрдон корхонаси бағрига қайтадиган бўлди. Иккинчидан, йилига 7 минг тонна гранулла, 3,5 минг тонна резина саноати учун ғоят зарур бўлган шина иплари тайёрлаш қувватига эга бўлган корхона бундан буён ўзимизда ишлаб чиқарилаётган хомашё ҳисобига узлуксиз ишлаб туради. Қолаверса, Ангрендаги резина маҳсулотлари корхонасида автомашиналарга шиналар тайёрлаш имкони туғилади, пластмасса маҳсулотлари билан эса енгил саноатнинг ўнлаб корхоналари пешма-пеш таъминлаб турилади.



2001 йилги Наврўз байрами иншооти сифатида вилоят тарихига муҳрланган янги корхона йилига 30 минг тонна хомашё тайёрлаш қувватига эга. Шу билан бирга, целлюлоза чиқиндиси — иккиламчи хомашёдан эса айни кунларда чет эллардан сотиб олинаётган замонавий бўёқ маҳсулотлари ҳам шу ерда тайёрланади.

— Мен бундай иншоотларни Миср, Канада, Бразилия сингари мамлакатларда бунёд этиш, созлаш ишларида иштирок этганман, — дейди «Лайнер» фирмасининг етакчи технологи, жаноб Рафаэль Валау. — Фарғонада қурилган мазкур корхона қувватининг икки-уч баробар кўплиги жиҳатидан биз бунёд қилган корхоналардан ажралиб туради. Айниқса, фарғоналик қурувчилар, созловчилар маҳорат бобида ривожланган мамлакатлардаги мутахассислардан қолишмаслигини алоҳида таъкидламоқчиман. Улар бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилишди.

Янги корхона қурилишининг бош пудратчиси — 8-қурилиш трестининг барча бўлимлари уни тез ва сифатли бунёд этишда германиялик мутахассислар билан бир сафда туриб ишлашди.

Ҳавас қилса арзигулик бундай ҳамкорлик ривожланиши шубҳасиздир.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: қўшма корхона цехларидан бирининг ички кўриниши; кранчи Расулжон Мирзажонов иш устида; германиялик муҳандис Рафаэль Валау уста Дмитрий Кузнецов билан.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

Дўстлик риштадари

## Ўзбекларга яқин олима




Янги асрнинг дастлабки ойларида «Маънавият» нашриётида «XX аср ўзбек адабиётига чизгилар» номли китоб босмадан чиқди.

Китоб муаллифи, таниқли немис олимаси Ингеборг Балдауф барҳаёт хорижий шарқшуносларнинг энг кўзга кўринган вакиласидир. Ака-ука Хумболдтлар номидаги Берлин университети профессори И. Балдауф туркий халқлар тили, адабиёти ва маданияти масалалари билан шуғулланибгина қолмай, бу борада университетда илмий мактаб ҳам яратган.

Жаҳон халқларининг 11 та тилини яхши биладиган олиманинг илмий фаолиятида XX аср ўзбек адабиётининг маърифатпарварлик даври ва бу давр адабиёти намояндалари ижодини қиёсий тадқиқ этиш устувор аҳамиятга эга.

Китобни варақлар экансиз, Ингеборг хонимнинг ўзбек халқига меҳри, ўзбек диёрига муҳаббати шунчаки бир ўткинчи туйғу эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. «Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали», «Абдурауф Фитрат: шайтоннинг тангрига исёни» номли мақолалар нафақат бугунги ўзбек китобхонига катта фойда келтиради, айни пайтда унинг тасаввурини бойитади, муаллифга меҳр туғдиради. Олиманинг Фитратга берган ушбу юксак баҳосига эътиборни қаратинг: «У ўзининг бутун умри давомида ҳақиқат ахтарди ва бу жараёнда фикрлар хилма-хиллиги, қарама-қаршилиги бўлиши мумкинлиги хусусида фақат шиорлар айтиш билангина чекланиб қолмади, балки ҳақиқат ахтара туриб шундай бир даражага эришдики, ўрта осиёлик биронта мутафаккир бу даражага эришмаган». Ёки буюк адиб Абдулла Қодирий маҳоратини қуйидагича тасвирлайди: «Ҳақиқат очиқ сўзлашдадир, деган машҳур ибора муаллифи Абдулла Қодирий асарларида бошқа ёзувчиларнинг ўша даврда ёзилган асарларида бўлганидек, маърифий-тарбиявий руҳ уфуриб туради, аммо унинг асарлари улардаги ҳазил-мутойиба, сўз ўйинлари ва айниқса, услубнинг равонлиги ила бошқа асарлардан яққол ажралади».

Нашриёт чоп этган иккинчи китоб «Олмон хандалари» деб номланади. У немис халқининг юморга бойлигидан, ўзига хос эстетик завққа эга эканлигидан ва ниҳоят қалби тоза, самимий кулгига ўчлигидан далолат беради. Хандалардаги самимийлик ва ўзига хосликни ўзбек ўқувчиларига етказишда таржимон Йўлдош Пардаевнинг хизмати беқиёс.




Юқоридаги ҳар икки китоб ҳам ўзбек ва немис халқлари маданий-маърифий алоқаларининг мустаҳкамланишида катта роль ўйнайди, деган умиддамиз.

**Г. ҲУСАНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Олий Мажлисда

## Қўшма лойиҳа доирасида ўтди

Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (ЮНФПА), ЮНЕСКО ва Республика хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Соғлиқни сақлаш, репродуктив саломатлик ва гендер масалалари борасидаги ислоҳотларни сиёсий ва оммавий нуқтаи назардан қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳаси доирасида Ўзбекистон репродуктив саломатлик борасидаги масалаларга Олий Мажлис депутатларининг эътиборини кучайтириш мавзуида ишчи семинар бўлиб ўтди. Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, ЮНФПА вакили К.Соколофф, комиссия раиси Ш.Салимовалар семинарнинг мазмуни ва моҳияти хусусида тўхталдилар.

Семинарда Ривожланиш ва аҳолишунослик масалалари бўйича Қоҳира конференциясининг ҳаракат дастурини қўллаб-қувватлашни таъминлашда халқаро, жамоат ташкилотлари, республика қонунчилик органлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлиги ва ҳуқуқини муҳофаза қилиш, гендер тенглиги, эркаклар, айниқса, ёшларнинг бу борадаги эҳтиёжини таъминлаш ҳамда масъулиятини ошириш ҳақида фикрлашиб олинди.

Семинар самимий, ошкора ва мунозара руҳида ўтди.

**Ўз мухбиримиз.**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов олиб борди.***

## КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда Ўзтелерадиокомпанияси ҳузуридаги махсус бадиий кенгаш, "Ўзбеккино" Давлат акционерлик компанияси бадиий ҳайъати фаолияти ва Наманган вилоятида маънавий ва маърифий тарғибот ишларининг аҳволи батафсил муҳокама этилди.

Ўзбекистон телевидениеси каналларида бугунги кун руҳи ва янгиланишларини акс эттирувчи юксак савиядаги кўрсатув ва видеофильмлар билан бир қаторда жиддий масалалар моҳияти чуқур таҳлил этилмаган, долзарб мавзуларга саёз ёндашилган айрим фильм ва кўрсатувлар ҳамон учраб тургани қайд этилди.

"Ўзбеккино" компанияси бадиий ҳайъати фаолияти жиддий муҳокама этилиб, замонамиз қаҳрамонлари образлари акс эттирилган бадиий фильмлар яратишдаги сусткашлик кескин танқид қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассаса ва корхоналарда "Давлат тили ҳақида"ги ва "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунлар ижроси ҳам муҳокама этилди.

Фанлар академияси томонидан нашрга тайёрланаётган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"ни чоп этиш масаласи ҳанузгача ҳал этилмаганлигига эътибор қаратилиб, бу жараённи тезлаштириш ва 2001 йилнинг июн ойида луғатнинг дастлабки жилдини нашрга топшириш юзасидан тегишли идораларга топшириқ берилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги бир қатор муассасаларда давлат тилига эътибор сусайгани, давлат тилини ўқитиш масаласига юзаки ёндашилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда топонимик объектларга ном бериш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

## ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛАРОҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирлик, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, илғор хўжаликлар ҳамда санация корхоналари бошқаруви раислари иштирок этдилар.

Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев бошқарган мажлисда вазирлик тизимидаги ташкилот ва корхоналарда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги вақтда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш ва маҳсулот етиштирувчилар манфаатдорлигини янада ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Иш юритишнинг янгича усуллари кенг жорий этилмоқда. Дала меҳнаткашларининг ер ва мулкка бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Оилавий пудрат, чек, пай тизимлари шаклланди. Ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар салмоғи сезиларли даражада ортди.

Шу билан бирга, тармоқни ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. "Хўжакўрсин" қабилида иш юритаётган айрим раҳбарлар ислоҳотлар мазмун-моҳиятини ҳамон тўла тушуниб етгани йўқ. Улар ҳамон эскича — боқимандалик, кўзбўямачилик, ўзибўларчилик каби кайфиятлардан холи бўла олмаяптилар. Бу эса кўп жиҳатдан қишлоқда иқтисодий ислоҳотларнинг оқсашига сабаб бўлмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналарида ички хўжалик шартномалари ва чек тизимини шакллантириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш бўшаштириб юборилган. Вазирлик тизими бўйича деярли ҳар ойда йиғилиш ўтказилиб, бу масалалар муҳокама қилинади, белгиланган чора-тадбирлар эса қоғозда қолиб кетаверади. Ваҳоланки, кейинги вақтда соҳага тааллуқли барча бўғин раҳбарлари махсус дастур асосида ўқитилган, уларнинг касб маҳорати оширилиб, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш тажрибаси билан таништирилганди.

Мажлисда минерал ўғитлар, ер, сув, техника, ёқилғи, ишчи кучи ҳамда мавжуд барча имкониятлардан самарали фойдаланиш, чек ва шартнома шартларининг аниқ бажарилишини таъминлаш юзасидан мутасадди раҳбарларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

## АХБОРОТГА КЕНГ ЙЎЛ

Ахборотни қаердан ва қандай олиш журналистлар энг кўп тўқнаш келадиган муаммолардан биридир. Ўзбекистондаги кўпгина вазирликлар, идоралар, йирик давлат компаниялари, корпорацияларда матбуот хизматлари ташкил этилган бўлиб, улар зиммасига оммавий ахборот воситалари билан доимий алоқада бўлиш масъулияти юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида матбуот хизматлари раҳбарларининг малакасини ошириш, уларни хорижий ҳамкасблар тажрибаси билан таништиришга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати ва АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилди. Семинарни Гарвард университетининг Жон Кеннеди номидаги Давлат бошқаруви институти ижрочи директори, АҚШ давлат департаментининг матбуот билан ишлаш бўйича маслаҳатчиси Маргарет Салливан бошқарди.

М.Салливан жамоатчилик билан алоқалар бўйича катта тажрибага эга бўлиб, узоқ йиллар давомида АҚШнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида хизмат қилган. У семинар иштирокчиларига "Матбуот котиби вазифаси: юксак ахлоқ ва касб маҳорати унинг муваффақияти гаровидир" мавзуида маърузалар курсини ўқиб берди. Иштирокчилар мамлакатимиздаги таниқли сиёсатшунослар, оммавий ахборот воситалари соҳаси мутахассислари, Давлат ва жамият қурилиши академияси профессорларининг маърузаларини тинглашди. Семинарда жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг матбуотда ёритилиши масаласи, ушбу жараёнда юзага келаётган муаммолар муҳокама этилди. Иштирокчилар пресс-релизлар тайёрлаш, журналистлар билан учрашувлар ўтказиш тамойиллари, шунингдек, чет элларда ҳукумат ва матбуот ўртасидаги муносабатлар қандай асосда ташкил этилиши масаласи билан танишдилар.

Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори А.Азизхўжаев семинарга якун ясар экан, бундан ўн йил аввал демократик тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимизда жамоатчиликни турли ҳукумат, давлат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлақонли ахборот билан таъминлаш борасида кўп ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Хусусан, жамоатчилик билан алоқалар ўрнатиш бўйича замонавий кўникмаларни талаб қилувчи матбуот хизматлари фаолиятлари ушбу мақсадга қаратилган.

Семинар якунида Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби, Миллий матбуот маркази қошида фаолият юритаётган матбуот котиблари клуби раиси Р.Жумаев М.Салливанга мазкур клубнинг фахрий аъзоси этиб сайлангани тўғрисидаги дипломни топширди. Семинарнинг барча иштирокчиларига ўқув курсини муваффақиятли якунлаганликлари тўғрисидаги сертификатлар тақдим этилди.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

# Илдизлари теран дарахт

## Жиззах вилояти

# МИЛЛАТЛАР РАВНАҚИ — ВАТАН РАВНАҚИ

2000 йилнинг ёз ойлари эди. Вилоят ҳокимлигида Жиззах шаҳрида қуриб битказилаётган замонавий, кўп қулайликлар ва имкониятларга эга бўлган «Бахт уйи»нинг очилиш маросимини қандай ташкил этиш масаласи муҳокама этиларди. Вилоят ҳокими турли миллатларга мансуб ёшларнинг тўйларини «Бахт уйи»да биргаликда ўтказиш ҳақида таклиф берди. Шундай қилдик ҳам.

Ўшанда биз кутгандан ҳам ажойиб «гулдаста» ҳосил бўлди. Қозоқ, қирғиз, татар, рус, корейс, тожик ҳамда ўзбек миллатларига мансуб келин-куёвларнинг тўй маросимларини «Бахт уйи»да ўтказдик. Узоқ-яқиндан таклиф этилган меҳмонлар ҳам, Жиззах шаҳрининг минглаб аҳолиси ҳам ажойиб саройда янграган куй-қўшиқлар, намойиш этилган рақслар сеҳридан баҳраманд бўлдилар.

Вилоятимизда ўзбеклардан ташқари 70 дан ортиқ миллат вакиллари яшашади. Унинг 61 мингдан ортиғини қозоқлар, 29 мингга яқинини қирғизлар, 24 мингдан зиёдини тожиклар, 20 минг нафарини рус миллатига мансуб кишилар ташкил қилади. Бундан ташқари, шаҳар ва қишлоқларимизда украин, арман, озарбойжон, татар, корейс ва бошқа миллат вакиллари ҳам ўзбеклар билан ёнма-ён туриб, меҳнат қилишаяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миллатлараро муносабатларнинг тобора яхшиланиб бориши, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, эъзозлаш ва қадимий анъаналарни давом эттиришда миллий-маданий марказларнинг ўзига хос ўрни бор. Айни пайтда вилоятда қирғиз, татар, корейс ва қозоқ миллий-маданий марказлари ишлаб турибди. Улар ўз халқининг қадриятларини тиклаш, бойитиш, миллий удум, маросим ҳамда анъаналарини давом эттириш, ёшларни маданий-маънавий меросга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида кўплаб амалий ишлар қилишаяпти. Жумладан, Қирғиз миллий-маданий марказининг она тилини ўрганиш, тарғиб этиш мақсадида ташкил этган «Эне тили» ва «Сайра комуз» фольклор жамоаларининг фаолияти диққатга сазовордир.

Шу йилнинг сентябр ойида Юнус Ражабий номли вилоят мусиқали драма театрида Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» асари намойиш этилди. Вилоятда фаолият кўрсатаётган Онорқул Кулманов (собиқ «Куктум») номидаги қозоқ мусиқали драма театри жамоаси томошаларидан эса ҳам қозоқ, ҳам қирғиз миллатига мансуб аҳоли вакиллари баҳраманд бўлишмоқда.

Татар миллий-маданий марказининг Татаристондаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўз билимларини она тилида ошириш истаги бўлган ёшларга ташкилий, маънавий, ҳатто моддий ёрдам бериш борасидаги ҳаракатлари эътиборлидир. Татар миллий-маданий маркази томонидан уюштирилган 11-14 ёшли қизларнинг «Кичик малика» кўрик-танлови анъанага айланса, ажабмас. Корейс миллий-маданий маркази эса асосий эътиборни Кореядаги корейслар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, ёшларга тадбиркорлик сирларини ўргатишга қаратмоқда.

Наврўз ўзига хос қадимий байрам. Авлод-аждодларимиз азалдан табиатнинг уйғониш фаслини, деҳқон йилининг бошланишини ўзгача мамнуният, кўтаринкилик, эзгу орзу-умидлар билан нишонлаб келган. Мустақиллик йилларида эса бу байрам янгича мазмун, янгича кўриниш касб эта бошлади.

Миллий-маданий марказлар фаоллари барча туманларда, вилоят марказининг бир қанча жойида Наврўз байрамининг катта шодиёна билан ўтишига бош-қош бўлдилар.

Наврўз арафаси ва байрам куни қардош халқларнинг миллий чолғу асбобларининг овозлари, шўх-шаън қўшиқлар янграйди. Карнай-сурнайлар барчани сайлга таклиф этади. Миллий либослар, таомлар кўриги, спорт мусобақалари, халқ ўйинлари Наврўзга ўзига хос жозиба ҳадя этади.

Вилоятнинг бир қатор туманлари Маънавият ва маърифат вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказаётган «Ўзбекистон — умумий уйимиз!», «Маданиятлараро мулоқот: тарих ва замонавийлик» мавзуларидаги илмий-социологик тадқиқотлар, тадбирлар аҳолида ўзига хос қизиқиш уйғотмоқда.

Маънавият ва маърифат вилоят Кенгашининг Мирзачўл тумани бўлимида қозоқ адиби Собит Муқоновнинг 100 йиллигига бағишланган давра суҳбатида турли миллат вакиллари фаол иштирок этишди. Пушкин кунлари, Есенин ўқишлари ҳамда «Рус поэзияси оқшомлари» каби кеча ва семинарлар анъанага айланиб бормоқда. Вилоятдаги «Чорвадор», «Пахта», «Гулзор» ашула ва рақс жамоаси, халқ хори ўзларининг ўзбек, қозоқ, рус тилларидаги қўшиқлари, рақслари билан турли миллат ва элатларнинг таҳсинига сазовор бўлишаяпти. «Томоша» қўғирчоқ театрининг турли тиллардаги чиқишлари болажонларнинг олқишини олаяпти.

«Наврўз», «Мустақиллик», «Конституция куни» каби байрамларда турли миллат ва элат вакилларининг ўз миллий таомлари, либослари, халқ ўйинлари билан қатнашиши одат тусига кирган. Бунда, айниқса, «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот» каби жамғармаларнинг, маҳалла ва фуқаролар йиғинларидаги турли миллат вакилларидан иборат оқсоқоллар кенгашларининг фаол иштироки, ташкилотчилиги бизни қувонтиради.



Вилоятда миллий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган фестивал, кўрик-танлов ва семинарларни ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу тадбирларда ёшларнинг фаол иштирок этаётгани қувонарли ҳолдир.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда қандай тадбир ўтказилмасин, унда, албатта, барча миллат ва элатларнинг вакиллари иштирок этишади. Шу боис ўзаро ҳурмат, тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган янги-янги тадбирларни ўтказишни ҳар томонлама манфаатли, деб ҳисоблаймиз.

**Олимжон ЖАВЛОНОВ,**
**вилоят ҳокимининг ўринбосари.**

### «Устоз» гранти менга насиб қилди

Қирғиз миллий-маданий маркази вилоятдаги энг тўнғич марказ ҳисобланади. Бугун марказимиз қардош миллатлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасида ўзига хос тажриба тўплаб улгурди, деб бемалол айта оламиз.

Марказнинг, айниқса, она тилини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш борасидаги тажрибаси кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортаяпти. Ана шу мақсадда ташкил этилган «Эне тили» ва «Сайра комуз» фольклор жамоалари Арнасой, Бахмал, Дўстлик, Зомин, Пахтакор туманларида бўлиб, қизиқарли учрашувлар, тадбирларни ўтказаяпти.

Айрим туманларда 2 ярим минг, айримларида 8 ярим минг нафаргача қирғизлар яшашади. Вилоятдаги 14 та мактабда дарслар қирғиз тилида олиб борилади. Марказимиз эса ана шу илм даргоҳларида таҳсил олаётган салкам 4 минг нафар ўқувчининг дарсликлар ва турли адабиётлар билан таъминланишини оталиққа олган.

Ўрта мактабларни тамомлаётган йигит-қизларга тўғри йўлланма бериш, билимли, иқтидорли ёшларни у ёки бу касбга йўналтириш ҳам доимий эътиборимизда турибди. Вилоят олий ўқув юртларида 54 нафар талаба ўқияпти, 3 нафар доцент, 10 га яқин ўқитувчи ишлайди.

Тилни чуқур ўрганишга, иқтидорли ўқувчиларга бўлган алоҳида эътибор туфайли жиззахлик 30 нафар йигит-қиз ҳозирги кунда Бишкек олий ўқув юртларида таҳсил олишаяпти. У ердаги аспирантлар сони ҳам 5 нафарга етди. Ўтган йилдан бошлаб ўнлаб ўқувчиларнинг Ўш, Сулукта шаҳарлари университетларига муваффақиятли имтиҳон топширишгани ҳам бизни қувонтирди.

1998 йилда Ўзбекистон Республикаси «Устоз» жамғармаси гранти учун ҳужжат топшириш лозимлигини айтишганда, рости, анча иккиландим. Аммо жамғарма грантини айнан менга насиб этгани ҳам камтарин меҳнатимга берилган юксак баҳо, адолатли жамият ва мамлакатда яшаётганимизни тасдиқловчи оддий бир мисолдир. Ғолиб сифатида Малайзия ҳамда Франция мамлакатларида тажриба, малака ошириб келганим бир умр эсимдан чиқмайди.

Ўзбекистонда яшаб ўз меҳнати, ишбилармонлиги билан элга танилган, фахрий сифатида эъзозланаётган қирғиз миллатига мансуб юзлаб, минглаб кишиларни учратиш мумкин. Дўстлик тумани «Манас» жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Қорасув» фермер хўжалик раҳбари К.Худойбердиев, арнасойлик фермер А.Бердиев, Бахмал туманидан «Беккел ота» фермер хўжалиги раиси Убайдулла Худойбердиев, «Чайиш» фермер хўжалиги раиси Н.Жалилов кабилар ҳар йили барча соҳалар бўйича режаларини ортиғи билан уддалаб, эл олқишини олишяпти. Уларнинг иш тажрибалари оммалаштирилаяпти. Бу билан мен шу нарсани алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатимизда эркин меҳнат қилиш учун яратилаётган шароит, берилаётган имконият барча миллат вакилларини бир ёқадан бош чиқариб ишлашлари учун замин бўлаяпти.

**Пардабой БЕРДИБЕКОВ,**
**вилоят Қирғиз миллий-маданий маркази раҳбари, Жиззах политехника институти доценти.**

### «Ўзимизнинг корейслар»

Зоя Ивановна Лимнинг ўқитувчилик фаолиятига 33 йил тўлибди. Бизнинг мактабда ишлаётганига ҳам 15 йилдан ошди. Ҳалол меҳнати эвазига «Меҳнат фахрийси» унвонини олди. У бошланғич синф ўқитувчилари орасида нафақат шаҳарда, балки вилоятда ҳам ўзига хос тажриба тўплаган, обрў-эътибор орттирган инсон.

Чет тили ўқитувчиси бўлганим учунми, Зоя опанинг соф ўзбек тилида сўзлай олишига ҳавас қиламан. У ўзи дарс берадиган 2-синфдаги украин, рус, қозоқ, қирғиз, озарбойжон, тожик ва татар миллатига мансуб 23 ўғил-қизга ҳам ўзбек тилини ўргатишга интилади. Ўзи яшаётган мамлакат тилини билиш табаррук заминга бўлган ҳурмат-эътибор рамзи эканини кўп ва хўп уқтиради. Балки шунинг учундир, Зоя опа оиласида ҳамма ўзбекча гапиради.

— Мустақиллик ҳамма миллат вакилларига бирдай эркинлик, миллат равнақи учун имконият берди, — дейди Зоя Лим. — Аниқроғи, вилоятдаги миллий-маданий марказлар азалий қадриятларимизни тиклаш, бойитиш, тарих, адабиёт ва маданий меросимизни чуқур ўрганиш бўйича кўп амалий ишлар қилишаяпти. Турли қизиқарли тадбирлар уюштирилаяпти. Ёшларимизнинг чет элларда яшовчи ватандошлар билан алоқа қилишларига шароит яратмоқда. Ва бундай гапни Корейс миллий-маданий марказига нисбатан ҳам бемалол айтиш мумкин.

Яқинда миллий-маданий марказ ташкилотчиларидан бири — Тамара Ким билан суҳбатлашганимда, Зоя опанинг бу қадар тўлқинланиб гапириши боисини англагандек бўлдим. Миллий марказ ташаббуси билан шаҳардаги Я.Юсупов номидаги 5-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Венера Пакнинг тажрибаси оммалаштириладиган бўлибди. Олий тоифали ўқитувчи В.Пакнинг шогирдлари 16 йилдан буён вилоят олимпиадасида совринли ўринларни эгаллаб келишар экан. Улар Республика олимпиадаси, ўтган йили эса Жиззахда Ўзбекистон Кичик академиясининг фахрий аъзолари даражасига етишибди.

Корейс миллий-маданий марказининг бошқа бир ташкилотчиси Михаил Сергеевич Лимнинг фаолияти ҳам барча ёшлар учун ибратли. У кўп йиллар назорат идораларида ишлаган. «Жиззахқурилиш» трести раҳбарларидан бири сифатида шаҳар-қишлоқларимизнинг чирой очишига муносиб ҳисса қўшган.

Ҳамшаҳаримиз Олег Ким эса Жиззах Давлат педагогика институтининг доценти. У ўзбек ёшларига рус тилини ўргатади. Олегнинг Халқаро илмий-амалий конференциялардаги иштироки таниқли олимларнинг диққат-эътиборини тортмоқда.

Бундай натижаларга эришишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун тинимсиз меҳнат, элу юртга ҳурмат ва энг асосийси, она-Ватанга садоқат ҳисси зарур.

«Ўзимизнинг корейс»лар орасида ана шундай инсонлар кўпчиликни ташкил этади...

**Ҳадича РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**Жиззах шаҳридаги 17-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси.**

### «Шундай юртни севмай бўладими?..»

Миллатим — немис. Бу ерга келгунча Россиянинг Саратов вилоятидаги Ртищево шаҳрида яшардик. Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга кўчиб келдик. Ўрта мактабни Зоминда, олийгоҳни эса Тошкентда — ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтини битирдим.

Мен ўзбек халқини, Ўзбекистонни Мирзачўлни ўзлаштиришга қизғин киришилган йиллари севиб қолдим, десам, тўғри айтган бўламан. Ўзбеклардаги меҳнатсеварлик, сабр-тоқат, қийинчиликларга бардош, Ватан равнақи, унинг гуллаб-яшнаши учун жонини ҳам аямаслиги хислатларини қадрламай бўладими? 50-60-йилларда Мирзачўлда бўлган киши чайлада яшаш, шўр сув истеъмол қилиш машаққатини, пашшага таланиш азобини жуда ҳам яхши билади. Мен ўша кезларда улар орасида бўлганим билан фахрланаман.

Янги ерларни ўзлаштириш давридаги меҳнатларим учун ўзбек сафдошларим мени орденга тавсия этганларида қанчалик тўлқинланганимни таърифлаб беролмайман. Айтинг-чи, шундай элни, шундай юртни севмай бўладими?

Истиқлол барча қатори менинг ҳам ҳаётимда янги саҳифа очди. Ҳамма эркин нафас ола бошлади. Ўзбекистонда демократик жамият қуришга киришилди. Халқ хўжалигида ислоҳотлар жараёни бошланди.

Иттифоқ тарқалиб кетгач, айрим одамларда ўзи яшаётган жамиятга нисбатан ишончсизлик, гумон уйғонди. Ва собиқ иттифоқ таркибидаги мамлакатларда яшаётган бошқа миллат вакиллари ўртасида кўча-кўч бошлангани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Аммо қаёққадир кўчиш фикри нафақат менинг, балки оиламиздаги бирор кишининг ҳам хаёлига келмагани мени ҳанузгача ҳайратлантиради. Эътибор қилган бўлсангиз, Ўзбекистон бизнинг оила яшаётган учинчи мамлакатдир. Унинг оҳанрабоси бизни ўзига бутунлай ром қилиб улгурган эди.

Рафиқам Нина Сергеевна, ўғилларим Сергей ҳамда Игорларга олий таълим, оиламизга омад ва бахт берган, бизни қўша-қўша орден-медаллар билан сийлаган Ватанни севмай бўладими?

Бунинг устига, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг мардлиги, дадил ечимлари ва эзгу ғоялари мени, мен каби минг-минглаб бошқа миллат вакилларини нафақат ишонтирди, балки сеҳрлаб ҳам қўйди. Мен ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашишни Ватан олдидаги бурчим, деб билдим. Ўзим раҳбарлик қилаётган «Жиззахтранс» акциядорлик бирлашмаси жамоаси билан истиқлол ғояларини ҳаётга татбиқ этиш устида кўп ишладик, изландик. Истиқлол йилларида бу корхона биринчилардан бўлиб янгича услубда ишлай бошлади. Айнан шу йилларда энг юқори кўрсаткичларга эришдик. Шунинг учун мени яна «Шуҳрат» медали билан тақдирлашди. Олдинги йили эса обрў-эътибор билан фахрийликка кузатишганди. Аммо элга, юртга, жамоага керак эканман, яна ишга таклиф этишди. Ҳозир ёшларимизга касб сирларини ўргатаяпман.

Икки ўғлим — издошим, автомобилчилик касбини танлашган. Рафиқам обрўли идоранинг бош ҳисобчиси. Ҳаммамиз халққа, она-Ватанга, ҳа, она-Ватанга чин дилдан хизмат қилишни инсонийлик бурчимиз, деб биламиз.

Айтинг-чи, шундай оҳанрабоси бор Ватанни севмай, унга хизмат қилмай бўладими?

**Валерий ДУМЛЕР,**
**«Жиззахтранс» давлат акциядорлик бирлашмаси раиси ўринбосари.**

### Қишлоқда шуҳрат топдим

Андижон тиллар педагогика институтини битиргач, Жиззах туманига юборишганда қишлоқда бир умр қолиб кетишимни тасаввур ҳам қилолмагандим. Қишлоқ аҳолисидаги самимийлик, меҳнатсеварлик, ўзбекча ҳурмат-эҳтиром мени бутунлай ўзига ром этди. Ўзбек тилига меҳрим тушиб қолганиданми, касбим тақозосими, ҳар қалай, уни жуда тез, ҳеч қийналмай ўзлаштириб олдим.

Бу эса бутун фаолиятим давомида ўзбек йигит-қизларига рус тилини ўргатишда жуда қўл келди. Ота-оналар билан учрашувларда, йиғилишларда ҳамкасбларим, раҳбарлар ўқувчиларга чет тилини ўрганишда мендан ўрнак олиш кераклигини кўп марталаб уқтиришган.

Шогирдларим ҳам шунга яраша. Ўнлаб йигит-қизлар Россия олий ўқув юртларида таълим олишди. Тилни мукаммал биладиган Умида Зоиржонова, Шоира Қудратова, жарроҳ Ҳусан Узоқов каби собиқ ўқувчиларим билан байрам, тантаналарда севимли мактабимизда тез-тез учрашиб турамиз.

Ўзбекларнинг меҳмондўстлиги билан оламда ном чиқарган, десам ҳечам муболаға бўлмайди. Бу ҳақда Жиззахда яшайдиган турли миллат вакилларидан ҳам кўп марта эшитганман. Шу боис аҳолининг урф-одатлари, миллий удумлари, байрамларнинг, тўю маъракаларининг маъно-моҳиятини яхши билиб олганмиз. Энг муҳими, ўзбекларнинг қардош миллатлардаги мана шундай маросимларга ўзгача ҳурмат, эътибор билан қарашлари, уларга амал қилишга интилишлари мени лол қолдиради. Шунинг учун бўлса керак, қишлоқлардаги ҳар бир тўй, байрам шоду хуррамлик билан ўтади, ҳар бир инсоннинг, у қайси миллатга мансуб бўлмасин, қадр-қиммати, иззати жойига қўйилади. Ҳар бир нарсага адолат нуқтаи назаридан қаралади.

Оддий бир мисол. Ўтган йили мактабимиз жамоаси мени «Шуҳрат» медалига тавсия этишди. Қишлоқдошларимнинг самимийлигидан мен ҳам турмуш ўртоғим Николай Иванович ҳам жуда таъсирландик.

Дарвоқе, мен оилавий бахтимни ҳам шу ерда топдим. Катта ўғлим Сергей спорт қўмитасида мураббий, кичиги Дмитрий қурувчи. Ҳар иккаласи ҳаётда ўз ўринларига эга, деб ўйлайман.

**Ольга КОНОВАЛОВА,**
**«Шуҳрат» медали соҳибаси.**

### Олимпиадачиларни тайёрлаяпмиз

Мен дастлаб вилоятда Татар миллий-маданий маркази тузилармиш, дейишганида унчалик эътибор бермагандим. Шу боис унинг мақсади, вазифаси, фаолият йўналиши ҳақида суриштириб ҳам ўтирмадим. Кейинчалик миллий-маданий марказнинг ташкилий ишлари ва миллатимизга мансуб аҳоли ҳақидаги маълумотлар мени жуда қизиқтириб қолди.

Ҳозир вилоятимизда 9 мингдан ортиқ татар бўлиб, уларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри, Пахтакор, Ғаллаорол, Дўстлик туманларида яшашади. Муҳими, улар қаерда истиқомат қилишмасин, истиқлол тантаналаридан руҳланиб, унинг ғояларини қўллаб-қувватлаш, Ватанга садоқат билан хизмат қилишда ўзбеклар, бошқа қардошлар билан ёнма-ён эканлигидан, татарларнинг меҳнат муваффақиятларидан хабардор бўлиб турганимдан баҳра оламан. Бунда худди ўша миллий-маданий марказнинг ўрни беқиёсдир.

Вилоятда ўтказилаётган бундай анжуманларга ўнлаб миллат вакиллари қатори биз ҳам халқимиз ижоди, ҳунармандчилиги, миллий спорт турларидан намуналар билан қатнаша бошладик. Йигит-қизлар миллий кийим, урф-одатларимизни намойиш этишади. Тадбирларда бошқа миллат вакилларидан ҳам кўп нарсаларни ўрганаяпмиз. Байрамларда безатиладиган ранг-баранг дастурхонлар, миллий таомлар кўрик-танловларининг ўзи кексаю ёш қалбида бир умр сақланиши табиий.

Бундай тадбирлар ҳақида батафсил тўхталишимнинг боиси Ўзбекистонда, хусусан, вилоятимизда бошқа халқларнинг миллий қадриятларини тиклаш, бойитиш, анъаналарини давом эттиришга бўлаётган эътибор мени тўлқинлантиради. Бу оддий ҳақиқат.

Яна бир гап. Марказимиз Татаристондаги қардошларимиз билан алоқаларни йўлга қўйишга интилаяпти. Хусусан, йигит-қизларимизни Татаристондаги олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида таълим олишлари учун тайёрлаш, ёшларга шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, Жиззахда туғилдим, ўсдим. Педагогика институтини тугатдим. Республикада хизмат кўрсатган мураббийман. Турли миллатларга мансуб неча ўнлаб шогирдларим эркин кураш бўйича республика чемпионлари бўлишган, Осиё, жаҳон мусобақалари ғолиблари сафидан ўрин олишган.

Ҳозирги кунда республикадаги ягона олимпиадачилар заҳираси коллежида Ўзбекистоннинг бўлажак олимпиадачиларини тайёрлаяпман. Ёшларни тарбиялашдан-да улуғроқ ва шарафлироқ иш бўлмаса керак. Зеро, улар эртанги кун эгалари, юрт истиқболини таъминловчиларидир.

**Риза АБДУРАМАНОВ,**
**Татар миллий-маданий маркази кенгашининг аъзоси.**

**Материалларни Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбирлари Баҳриддин САТТОРОВ ва Исмат ХУДОЁРОВлар тайёрлашди.**

# Президент Ислом Каримовнинг китоби — поляк китобхонларига

(Давоми. Боши 1-бетда).

собитқадам ривожланишга эришиш мумкин? Бу саволларнинг барчасига давлатимиз раҳбарининг китобидан батафсил жавоб топиш мумкин. Унда Ўзбекистон халқи мустақиллик йилларида эришган ютуқлар ҳар томонлама таҳлил қилинибгина қолмай, ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида юзага келадиган муаммоларнинг ечимини топишга доир аниқ, пухта тавсиялар, XXI асрда жамиятимиз ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

"Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китоби 1997 йилда дунё юзини кўрди. Китобда муҳокама этилган масалаларнинг нечоғли долзарблигини унинг турли давлатлар ва турли тилларда нашр этилаётгани ҳам тасдиқлайди. Маълумки, ушбу китоб асосида мамлакатимиз ҳужжатли кино усталари фильм яратишмоқда, унинг беш қисми экранларга чиқарилди. Фильм Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Россия, Франция каби давлатларда намойиш этилди. Хабар қилинганидек, яқинда Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон ва Нью-Йорк каби йирик шаҳарларида фильмнинг учинчи қисми тақдимоти ўтказилди. У барча жойда улкан асар сифатида қабул қилинмоқда. Юртимиз жаҳонга юз тутмоқда ва мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишни истовчилар ҳам тобора кўпаймоқда.

Китобнинг Польшада нашр этилиши Ўзбекистонни бу мамлакатга таништиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Республика Прокуратурасида*

# Вояга етмаганлар масаласига бағишланди

***Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси, республика Бош прокурори Р.Қодиров олиб борди.***

Йиғилишда мазкур комиссия аъзолари, шунингдек, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳамда ички ишлар идоралари нозирликлари томонидан амалга оширилган ишларни ўрганиш ва мазкур вилоятларда вояга етмаганларнинг ўз жонларига қасд қилиши ҳодисаларининг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш аҳволини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Ҳар иккала масала юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги комиссия раисининг ўринбосари, Ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Парпиевнинг маърузаси тингланди.

Маълумки, комиссиялар зиммасига вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолишлари, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар сабаби, шарт-шароитини аниқлаш ҳамда бартараф этиш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, улар давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириб боришлари зарур. Бироқ, текширишлар шуни кўрсатдики, айрим вилоятларда комиссиялар фаолияти тўғри ташкил қилинмаган, улар фаолиятида расмиятчилик ҳоллари мавжуд.

Масалан, Тошкент вилоятидаги комиссияларнинг иш режалари ҳақиқий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тузилмаган. Вилоятнинг айрим шаҳар, туманлари комиссияларида масъул котиб лавозимлари ҳанузгача бўш турган бўлса, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг комиссияси томонидан қабул қилинган айрим қарорлар ижро этиш учун қуйи комиссияларга юборилмаган. Жиззахнинг айрим шаҳар ва туман комиссиялари томонидан қонунсиз қарорлар қабул қилинишига йўл қўйилган.

Йиғилишда таъкидланишича, комиссия ва нозирлар ишига баҳо беришда таълим муассасалари фаолиятини назардан четда қолдирилмаслик керак. Айниқса, ўқув жараёнларини тўғри ташкил қилиш, ажратилган бюджет маблағларининг қонуний сарфланиши доимий назоратда бўлиши зарур.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Бозор ходимларига жарима солинди

**Долзарб мавзу**

Қўшни республикаларнинг баъзи туманларида, қисман бўлсада, оқсим (яшчур) касаллиги қайд этилганлиги тўғрисида бизда маълумотлар мавжуд. Бу чегара ҳудудларда ҳам рўйхатга олинган. Масалан, ўтган йили Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва жорий йилда Туркманистонда ана шундай нохуш воқеа юз берган.

Демак, вазият чегараларимизни янада мустаҳкам сақлашни, нафақат гўшт ва сут маҳсулотлари киритишни таъқиқлашни, балки бошқа маҳсулотларни ҳам республикамизга олиб келишда эҳтиёт бўлишимиз кераклигини тақозо қилади.

Афсуски, бир неча муддатдан буён оммавий ахборот воситалари, телевидение, радиода тушунтириш ишлари олиб борилаётганлигига қарамасдан, мазкур масалани тўлиқ тушуниб етмаслик ҳоллари ҳамон учраб турибди. Пойтахтимиздаги «Авиасозлар» универсал бозорида жорий йилнинг 26 март куни Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпедемиология назорати маркази томонидан ўтказилган текширувда бир қатор қоида бузилиши ҳоллари аниқланди. Молларнинг ички аъзолари ва калла-почаларни сотиш бўлими ностандарт, санитария талабларига жавоб бермайдиган савдо расталарига жойлаштирилган, сотувчиларга етарли шарт-шароитлар яратилмаган.

Тўғри, бундай камчиликларга йўл қўйганлиги учун универсал бозор акциядорлик жамияти раиси ўринбосари С.Низомов, бўлим назоратчиси С.Зугуров ва ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияси мудири Н.Ефремоваларга 39200 сўм миқдорида жарима солинди. Бундан ташқари, учта тадбиркор шахс ҳам санитария қоидаларига хилоф равишда савдо қилаётганлиги учун маълум миқдорда жаримага тортилди.

Бундай нохуш аҳвол республикамиздаги баъзи мол бозорларида ҳам учрамоқда. Маълумотларга кўра, Тошкент туманидаги «Кўктерак» мол бозорида вилоятлардан олиб келинаётган йирик ва майда шохли моллар сонини камайтириб кўрсатиш ҳоллари мавжуд. Бу ердаги ветеринария хизмати ходимларининг масъулиятсизлиги натижасида шундай аҳвол рўй бераяпти. Аслида мол бирон жойдан олиб келиниб, бошқа ерда сотилаётган бўлса, олиб келинган жойидан ҳам молнинг касалликка чалинмаганлиги тўғрисида маълумотнома бўлиши лозим. Афсуски, бозорда кўпинча уларга риоя қилинмаяпти. Шунингдек, божхона масканларидан ҳам оқсим касаллиги вируслари бўлиши мумкин бўлган маҳсулотларни яширинча олиб ўтиш ҳоллари учрамоқда.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Шартнома масаласига бағишланди

Марказий банкда банклар билан мижозлар ўртасидаги шартнома муносабатларини янада яхшилашга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси, Марказий банк, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ҳамда республика тижорат банкларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари иштирок этишди.

Семинарда ҳукуматимиз томонидан банк тизими олдига қўйилаётган устувор вазифаларни бажаришда шартномавий муносабатларнинг алоҳида ўрин тутиши қайд этилди. Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги шартномавий муносабатларни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, банк тизимида шартномавий муносабатларни тартибга солишга мутасадди ходимларга нисбатан малакавий талабларни ошириш, жойларда ҳуқуқий-меъёрий базанинг тўлиқ мавжудлигини таъминлаш, амалдаги қонунчиликка киритилаётган ўзгаришларнинг жойларга ўз вақтида етказилишини ва бу орқали мижозлар билан бўлган ҳуқуқий муносабатларнинг қонунийлигини таъминлаш, шунингдек, банк фаолиятига оид бошқа муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари муҳокама этилди.

Семинар давомида республика тижорат банклари раҳбарлари ва мутахассисларини қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Зилола ЖЎРАЕВА.**

## Музейлар — миллат бойлиги



# Табиат муҳофазаси — тараққиёт гарови

Инсон саломатлиги кўп жиҳатдан атроф-муҳитнинг покизалиги, табиатнинг мусаффолигига боғлиқ. Шу боис инсон табиатни, ўсимлигу жонзотларни асраб-авайлаши, ҳаёт неъматларидан оқилона фойдаланиши лозим. Ўзбекистон Фанлар академиясида республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган "Ғарбий Тянь-Шань ҳудудида биологик хилма-хилликни асраш" мавзуидаги анжуманда ану шу ҳақда гап борди.

Маълумки, Ғарбий Тянь-Шань ҳудудининг табиати, наботот ва ҳайвонот олами ўзининг гўзал ва бетакрорлиги билан дунёвий аҳамиятга эга. Бу минтақадаги камайиб бораётган ноёб ўсимлик ва жониворлар ер куррасининг бошқа гўшаларида учрамайди. Мазкур ҳудуддаги тўртта қўриқхона ва миллий боғни муҳофаза этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш ва энг асосийси — экологик мувозанатни, табиий мутаносибликни сақлаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

1992 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан ана шу масалага бағишлаб ўтказилган анжуманда жаҳоннинг 156 мамлакати томонидан Биологик хилма-хилликка оид халқаро Конвенция имзоланган эди. Юртимиз 1995 йилда ана шу Конвенцияга қўшилгач, ўлкамизда табиат муҳофазаси билан боғлиқ ишлар кўлами анча кенгайди. 2000 йилнинг май ойида Жаҳон Банки томонидан Марказий Осиё чегаралариаро биологик хилма-хилликни асраш бўйича ўн миллион долларлик лойиҳа молиялаштирилди. Беш йилга мўлжалланган мазкур лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон билан Қозоғистон ва Қирғизистон олимлари ҳам ҳамкорлик қилиши кўзда тутилган. Зеро, Ғарбий Тянь-Шань ҳудуди ҳам айнан ана шу давлатлар минтақасида жойлашган.

Икки кун давом этган анжуманда олимлар ва экологларнинг биологик хилма-хилликни сақлаш борасидаги илмий тадқиқотлари, таклиф ва фикрлари асосида лойиҳа учун зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!»



Пойтахтимизнинг Арпапоя кўчасидаги 1-уй деворига қуйидаги сўзлар битилган: «Бу уйда 1944-1966 йилларда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ғафур Ғулом яшаб ижод этган». Бу хонадон ҳозир ҳам шоир тириклигидаги каби адабиёт шайдолари, ихлосмандлари билан гавжум.

Шоир севган баҳор бу ҳовлига ҳам ўз сепини ёяётган айни кунларда уй-музейда бўлдик.

Ҳозирда музей экспозициясига айланган шоирнинг шахсий ашёлари гўё хонадон соҳиби ижод қилиб ўтириб, ҳозиргина ҳовлига чиққан-у, ҳализамон қайтиб келадигандай таассурот қолдиради кишида.

Музей фотосуратлар, адибнинг ҳужжатлари, асарларининг қўлёзмалари, дастлабки нашрлари, шахсий буюмлари, шахсий кутубхонаси, ижодхона, меҳмонхона ва дам олиш хоналаридан иборат. Буларнинг бари, аввало, буюк инсон, шоир ва ёзувчи, журналист ва публицист, академик Ғафур Ғуломнинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида ҳикоя қилади.

Музейда мавзули экскурсиялар, маърузалар ўтказишдан ташқари, ҳар йили Ғафурхонлик кечалари ташкил қилиш анъанага айланган. Ўтган «Соғлом авлод йили»да музей ходимлари «Ғафур Ғулом ва болалар» мавзуида маъруза тайёрладилар. Унга кўра, шоирнинг болаларга атаб ёзган асарлари атрофлича ўрганилди. Адибнинг асари асосида суратга олинган «Шум бола» фильми намойиш этилди.

— Музей экспозициясини бойитиш учун изланишлар олиб бораяпмиз, — дейди музей директори Олмосхон Аҳмедова биз билан суҳбатда. — Яқинда дадамга келган хатларни кўриб ўтириб, бир мактубга кўзим тушиб қолди. Хат Тошкент шаҳридаги 111-ўрта мактабнинг 2-синф ўқувчиси Саримсоқов Мирғиёсдан 1957 йил 9 июнда келган экан. Воқеа шундай бўлганки, Эски шаҳардаги китоб дўкони ёнида бир бола дадасини дўконга бошлаб, китоб олиб беринг, деб хархаша қилаётган экан. Дадаси эса «Ўғлим, бошқа сафар олиб бераман» деб ҳарчанд уринса-да, ўғли кўнмабди. Шунда дадам болани етаклаб бориб, унга китоб олиб берган эканлар. Хатда ўша бола ўзини эслатиб, миннатдорчилик билдирган экан.

Ғафур Ғуломни билганлар, бу уй дарвозаси шоир ҳаётлигида худди ўз соҳибининг қалби янглиғ ҳар бир кишига очиқ эди, деб эслашади. Ҳозир ҳам бу даргоҳ кунига ўнлаб меҳмонларни кутиб олиб, кузатмоқда.

**Дилбар ТУРҒУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**



## Каттақўрғон парвардаси

*Каттақўрғон азалдан парвардаси билан машҳур. Бугунги кунда туман нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси ана шу анъанани астойдил давом эттирмоқда. Бу ерда ҳар куни бир тоннага яқин новвот, парварда, ёғли ҳолва ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг «Шарқ ширинликлари» цехида бугун етти нафар ўз касбининг устаси бўлган қандолатпаз меҳнат қилаётир.*

СУРАТДА: қандолатпаз Шамсиддин Холов.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

«Ташаббус — 2001» танлови

# Ғолиблар пойтахтга боришади

Гулистон шаҳридаги Олим Хўжаев номидаги мусиқали ва драма театрига тўпланган 33 нафар фермер тадбиркор ва ҳунармандларнинг ҳар бири «Ташаббус—2001» вилоят танловининг ғолиблигига муносиб эдилар. Аммо уларнинг фақат 3 нафаригина мутлоқ ғолиб сифатида республика босқичига йўлланма олишлари керак эди. Даъвогарларнинг маҳсулотлари, улар тайёрлаган бежирим кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳайъат аъзолари томонидан синчиклаб кўздан кечирилди. Шу тариқа Сирдарё туманидаги «Дони» уруғчилик ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Д.Мейербаков «Энг яхши тадбиркор», Оқолтин туманидаги «Наргиз» фермер хўжалиги раҳбари С.Муҳиддинов «Энг яхши фермер» ва ўзининг бетакрор асарлари билан нафақат вилоятда, балки республикада ҳам тилга тушган Баҳодир Бобоназаров «Энг яхши ҳунарманд» номини қўлга киритишди. Ҳар учала йўналиш бўйича биринчи ўринни олган ғолибларга вилоят ҳокимлиги томонидан рангли телевизор ва қимматбаҳо совғалар ҳадя этилди.

Энди ғолиблар республика танловида иштирок этишади.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ижод аҳли учун кошона

Маънавият ва маърифат, маданият ҳамда санъат муассасалари вилоят ташкилотлари эндиликда муҳташам кошонадан ўрин эгаллади. Хоразм вилоят ҳокимлиги ёнгинасида жойлашган ва тўла таъмирланган уч қаватли замонавий бинода турли тадбирлар ўтказиш имконияти туғилди.

Бугунги кунда мазкур масканда илму ижод, маърифат намояндалари, жамоатчилик вакиллари ўртасида самимий суҳбат мулоқотлар, илмий-амалий анжуманлар тез-тез ўтказилиб турилибди.

**Ўз мухбиримиз.**


ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 2001 ЙИЛ УЧУН АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

АСПИРАНТУРАГА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА

иқтисодий назария;
молия, пул муомаласи ва кредит;
бухгалтерия ҳисоби,
иқтисодий таҳлил ва аудит.

ДОКТОРАНТУРАГА

молия, пул муомаласи ва кредит.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 2001 йил 1 майгача.

Маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 700000, Тошкент ш., Якуб Колас к., 16, тел.: 68-54-77, 68-48-07.

3995



Андижон АТЭК акциядорлик жамиятига қарашли «КАМАЗ-53212» русумли давлат белгиси 04-74 АНН рақамли автомашинага шаҳар атрофи ва шаҳарлараро юк ташиш учун берилган АТ серияли № 0234903 сонли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.



Реклама ва эълонлар 136-09-25



РЕСПУБЛИКА ТЕНДЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШҚАРМАСИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2001 йилда Жиззах вилоятида марказлаштирилган маблағлар ҳисобига амалга ошириш режалаштирилган қуйидаги иншоатлар бўйича бош пудратчиларни танлаш юзасидан

ОЧИҚ ПУДРАТ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕРЛАР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| № | Иншоотлар номи | Лойиҳавий қуввати | Буюртмачи |
|---|---|---|---|
| 1. | Янгиобод тумани, Кушканд қишлоғидаги 11-сонли мактаб | 192 ўқ. ўрин | Жиззах вилояти капитал қурилиш бошқармаси |
| 2. | Жиззах тумани, «Улуғбек» хўжалиги (Хайробод, Шариллоқ қишлоқлари)даги хўжаликлараро марказий сув узатиш тармоғи | 2 км. | Жиззах вилояти ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси, капитал қурилиш бошқармаси |
| 3. | Фориш тумани Ётоқ, Оқбулоқ ва Чарчанг қишлоқларининг газ таъминоти | 6,4 км. | Жиззах вилояти ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси, капитал қурилиш бошқармаси |

Тендерларда мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Пудратчи ташкилотлар зарурий профессионал ва техник малакага, молиявий имкониятларга, ишчи ресурсларга, шартнома тузиш учун фуқаролик ва юридик ҳуқуқга эга ҳамда тажрибали ва ишончли бўлишлари керак.

Тендерларда иштирок этишни хоҳловчилар Республика тендерларни ташкил этиш бошқармаси Жиззах вилояти филиалига тендер ҳужжатларини олиш ҳақидаги сўровнома билан ***2001 йил 25 апрелгача*** соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари лозим:

**Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй (вилоят ҳокимлигининг эски биноси), 303- ва 305-хоналар. Тел.: 6-05-42, факс 6-14-66.**

*Тендер ҳужжатлари бир тўпламининг нархи 15000 сўм.*

Оферталар юқоридаги манзил бўйича 2001 йил 30 апрелгача қабул қилинади ва тендер комиссияси томонидан 2001 йил 30 апрелда қуйидаги манзилда кўриб чиқилади:
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, кичик мажлислар зали.

3994-1



РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда 2001 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантурага ҳужжатлар қабул қилади:

13.00.01 - Педагогика назарияси ва тарихи.
19.00.05 - Ижтимоий психология ва этнопсихология.

Ҳужжатлар 2001 йил 20 апрелгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700027, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1. Республика «Оила» илмий-амалий маркази.
Мурожаат учун телефонлар: 45-15-59, 45-18-68, 45-90-66.



*Хўжалик субъектларини корхона ва ташкилотлар давлат регистрига киритиш тўғрисидаги М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтига 27.04.1995 йил берилган 714 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.*



РЕСПУБЛИКА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ПУДРАТ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕР)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШҚАРМАСИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Жиззах вилоятида қурилаётган бино ва иншоотлар учун керак бўлган қуйидаги маҳсулот турларини етказиб бериш ва сотиб олиш бўйича

ОЧИҚ ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Қурилиш материаллари, конструкциялар, ашёлар ва ярим фабрикатлар.
- Кабель маҳсулотлари, очиқ ва ёпиқ (қобиқли) симлар, ёритгичлар, вентиляторлар, электр тақсимлаш шкафлари, трансформаторлар, ёнғинга қарши ускуналар тўплами.
- Ҳар хил диаметрдаги ва турли материаллардан ясалган қувурлар, газ ва сув ҳисоблагичлари, ҳар хил насослар, карбид, электродлар, радиаторлар ва бошқа турдаги иситгичлар, иситиш қозонлари ва аппаратлари.
- Ошхона асбоб-ускуналари: совутгичлар, пештахталар, иситиш печлари, таом пишириш шкафлари ва қозонлари, нонкесгичлар, электрсамоварлар, электртоварлар, турли русумдаги тарозилар.
- Медицина асбоб-ускуналари ва анжомлари.
- Кўрпа-тўшак, ёстиқ ва уларга қопламалар.
- Мебель жиҳозлари.

*Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, чет эл хусусий фирмалари ўз маҳсулотлари билан тендер танловида қатнашишга таклиф этилади.*

*Танловда қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар аризалари якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00гача тендер ташкилотчиси томонидан қабул қилинади.*

*Қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:*

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй (вилоят кенгашлари уйи), 3-қават, 303- ва 305-хоналар, Республика хўжалик ҳисобидаги пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бошқармаси Жиззах вилояти филиали.
Тел.: 6-05-42, факс 6-14-66.

3994-2


# Хаёлга эрк беришганди

***Ромитон туман прокуратураси ходимлари туман хўжаликларида чорва моллари бош сонини кўпайтириш ҳамда чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни сотиш юзасидан топширилган ҳисоботларнинг қонунийлиги юзасидан текшириш ўтказди.***

— Туман статистика ва ҳисоблаш марказининг 2001 йил 1 январда қайд этилган маълумотларига қараганда, ҳамма нарса рисоладагидек, — дейди туман прокурори Мамасоли Ҳайдаров «Туркистон-пресс» мухбирига. — Чорванинг бош сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Шунга яраша чорва маҳсулотлари етиштириш ҳам ортиб бораяпти. 2001 йилнинг 1 январида ҳудудда жами 42425 бош қора мол, 82453 бош қўй ва эчки, 35190 бош парранда мавжуд бўлган. Ҳисоботларда, шунингдек, от ва туячилик ҳисоботлари ҳам қайд этилган. Бу кўрсаткичлар 1999 йилга нисбатан барча турдаги чорва бўйича ошган бўлиб, фақат туяларгина 1999 йилдагига нисбатан 6 тага камайган.

Лекин ушбу рақамлар юзасидан прокурор текшируви ўтказилганда қўшиб ёзиш ҳолатларига дуч келинди. Биргина «Чўпонота» жамоа хўжалигида ҳисобот йилида қора- мол бош сони 261 тага камайиб кетган. «Боғитуркон» ширкат хўжалигида бу кўрсаткич 31 бошни, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида эса 15 бошни ташкил этган.

— Шуниси ажабланарлики, — деди сўзининг давомида Мамасоли Ҳайдаров. — Ҳисоботларга қараганда, туманда 2000 йилда чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам ижобий натижаларига эришилган. Жойларда ўтказилган текширишлар натижасида эса статистика марказига берилган маълумотлар айрим ҳолларда йўқдан бор қилиб ёки ошириб кўрсатилганлиги аниқланди. Мисол учун, «Зарафшон» жамоа хўжалигида 2000 йилда давлатга сут топширилмаган бўлса-да, ҳисоботларда 60900 килограмм сут ишлаб чиқарилди, деб кўрсатилган. Бундан ташқари, жамоа хўжалигида йил давомида қорамолдан бор-йўғи 8 бош бузоқ олинган бўлса-да, уларнинг сони 76 бош деб кўрсатилган. Хаёлларига эрк берган айрим раҳбарлар энди қонун олдида жавоб беришади.

**«Туркистон-пресс».**

# 1 апрел — кулги куни

*Роза опа қанчалик таниқли актриса бўлса, шунчалик камтар инсон. Пенсияга чиққан бўлса-да, тиниб-тинчимайди. Ҳам оиладаги, ҳам саҳнадаги ҳамроҳи — Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов билан Сатира театрида ишлайди, вилоятларга гастролга боради, ойнаижаҳонга шошилади, у ердан тўғри радиога чопади. У киши билан суҳбатлашиш ҳам айрича гаштли. Гап орасида қизиқ-қизиқ ибораларни ишлатади. Масалан, сиз-у биз кеч пишар ўрик десак, Роза опа нозланиб пишадиган ўрик дейди.*

*Бу галги суҳбатимиз, актриса вақт топиб, жамоамиз ва газетхонларни кулги куни билан табриклагани келгани учун, таҳририятда бўлди.*





## Кулгини гулдек хуш кўраман

**дейди республикада хизмат кўрсатган артист, «Шуҳрат» медали соҳибаси Розахоним КАРИМОВА**

**— Айтинг-чи, доимо хўмрайиб, қовоқ осиб юрадиган одамларни кўрганда хаёлингизга нималар келади?**

— Аввало, эсизгина шунга берилган беш кунлик умр дейман. Кейин бир оз мулоҳаза қиламан: оғир дард-ташвиши бордир. Кўнглига кулги сиғмаётгандир. Тўғри, одам доим кулиб юрсин демайман, бу соғлом ақлнинг иши эмас. Лекин чеҳрангиз очиқ бўлсин, чеҳрангиз кулиб турсин. Баъзилар бор, сира кулмайди. Қизиқ гап қилинг, латифа айтинг, барибир, кулмайди. Мен уларни довучча (ғўра)га ўхшатаман.

**— Сизнинг ажойиб овозингиз ҳам бор. Ашула айтишингиз Эргаш акага ёқадими, йўқми?**

— Илгари ёқмасди. Хиргойи бошласам, ҳеч нарса демасди-ю, норози қиёфада бир қараб қўярди. Билдимки, ёқмади. Жуда яхши кўрганимдан Эргаш акага ёқмайдиган ишдан ўзимни тиярдим. Шундай қилмаганимда дурустгина хонанда бўлишим тайин эди. Ҳозир ишлари йўқ. Уйда бемалол хиргойимни қилиб, юмушларимни бажариб юраверaман.

**— Икки забардаст санъаткорнинг бир оилада яшаши оғирми, енгилми?**

— Жуда қийин. Айниқса, ўзбек оиласида. Икковимиз бир-биримизсиз рол ижро этолмаймиз. Гастролга ҳам бирга борамиз. Ана ўшанда дўстлари «Эргашжон, фалончи артистнинг хотини изидан пойлаб юраркан, шўрликка қийинда»,—дея менга зимдан гап едиришарди.

Жуда осон томони шуки, биз бир-биримизни тез тушунамиз, содиқ партнёрмиз. Саҳнада Эргаш акага эрк бериб, биринчи ўринга чиқиши учун ҳаракат қиламан, гарчи бунга эҳтиёж бўлмаса ҳам.

**— Роза Каримова аёл сифатида рашкчими?...**

— Бўлмаса-чи! Эркакни рашк қилиб, тергаб туриш керак. Ёшликда жуда рашкчи эдим. Қаерга бормайлик, Эргаш акани хотин-қизлар ўраб олишарди. Ҳозир эркаклардан рашк қиламан, ҳа, деса, телефон қилиб, чақириб олишади.

Умуман, ҳар қандай оилада ҳам зилзила пайтлар бўлади. Устига устак, эркакнинг битта эркалиги бор: яхшисини ошириб, ёмонини яширган аёлгина ютади.

**— Сизга бирор трагик рол берилса, уни комик ролларингиздай қойиллатиб ўйнай оласизми? Масалан, Дездемонани?**

— Бир пайтлар Сурхондарёда ишлаб юрганимизда «Холисхон» спектаклида жинни қиз образини яратганман. Эргаш акангиз ҳам қатор роллар ижро этган. Ҳар ҳолда трагик асарларда ҳам ўйнай оламиз. Фақат томошабин бизни комик актёр деб таниб қўйган, бошқача тасаввур этиши, ҳазм қилиши қийинроқ.

**— Бугунги кун телеминиатюра санъати ҳақида қандай фикрдасиз?**

— Телеминиатюра ривожи учун, биринчидан, иқтидорли ҳажвчилар, иккинчидан эса туғма комик актёрлар керак. Анвар Обиджон, Саид Анвар, Меҳмонқул Исломқуловлар сафи кенгайса, биз хурсанд бўлардик. Мадина Мухторова, Саида Раметова, Муқаддас Холиқова, Санобар Қодировадек талантлардан янада унумли фойдаланмоқ даркор.

Миниатюра санъати фақат актёрга боғлиқ эмас. Юқорида таъкидлаганимдек, ҳамкорлик зарур.

**— Газетхонларга байрам тилакларингиз.**

— Ҳамиша чеҳрангиз очиқ бўлсин. Кўнглингиз кулиб турсин. Ва қуйидаги шеър ҳаётий ҳамроҳингизга айлансин:

*— Кулгуни гулдек*
*хуш кўраман,*
*Тунлари қувноқ*
*туш кўраман.*
*Нохуш ўтган дамларда мен*
*Кулгунинг ўрнини*
*бўш кўраман.*
*Оламда бор бўлсин кулгу,*
*Ҳар кимга ёр бўлсин кулгу!*

**«Халқ сўзи» мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.**

## ҒУЛМАТНОМА

**Ғазал, рақам суғингидин олдинги**

*Ўрдак сўйиб қалам қилай қушпатдан,*
*Нодир калом қолсин биздек хушхатдан.*

*Юз йилда бир келур мандек нодирсўз,*
*Кўкка икки ой чиқмоғи — қўш бахтдан.*

*Мир Алишер тобакай сўз хоқони,*
*Бизгаям жой топинг бирон бўш тахтдан.*

*Мир бобо лек бағри кенглик қилса-да,*
*Келиб Машраб-жунун айтур:*
*«Пўшт баттан!»*

*Олов қалбли шоири-ла элда файз,*
*Ки оловсиз бўлур хуштаъм мош қаттан?*

*Ғулматдек зот яралмаса юз йилда,*
*Унда ўзим туғиламан бошқатдан.*

**Анвар ОБИДЖОН.**




## ЛАТИФАЛАР

Икки кўр кўчада борарди. Тўсатдан бири иккинчисининг оёғини босиб олди. Шунда шериги деди:

— Кўчадан ўтаётганда аёлларга алангламай, кўзингга қараб юрсанг, ўласанми?

* * *

Икки шилқим бир қизнинг отда сайр қилиб юрганини кўришипти.

— Қанийди, мен шу гўзалнинг оти бўлиб қолсам, — депти бири.

Иккинчиси жавоб берибди:

— Эҳтимол, у соҳибжамол машина минишни ҳам истарлар?

* * *

Оиласи билан Австралияда дам олиб қайтган инглиз ўртоғига хотираларини айтиб берипти:

— Ажойиб ўлка экан-да! Кўнглинг тусаган ҳамма нарса бор: мен учун бар, болалар учун гўзал пляжлар, хотиним учун офтоб, қайнонам учун акулалар...



Рассом Абдурасул ҲАКИМОВ.

## Хонаки «спортсмен»

**Ҳажвия**




Дабдурустдан сизга: «Бизнинг хотин спортсмен» десам, ишонмаслигингиз мумкин.

Исбот қани, дейсизми?

Эрталаб бола-бақралар уйқудан тургандан сўнг уйда нима қилинади? Биринчи навбатда, кўрпа-ёстиқлар тахмонга йиғилади. Ўнта одамнинг кўрпа-тўшагини тўрт бурчагига тўртта шиша банка тўнтариб қўйилган сандиқнинг устига йиғиб қўйиш, спорт билан шуғулланадиган олимларнинг даъвосича, чанғида 10 километр масофани босиб ўтиш билан тенг экан. Кўраяпсизми, агар хотиним кўрпа-тўшак йиғиштирмай, чанғи спорти билан шуғулланганида борми, сўзсиз биринчи бўлмаса-да, иккинчи ёки учинчи ўринни қўлга киритиши аниқ эди. Бироқ бечорада бунақа ишлар билан шуғулланишга бекорчи вақт қаёқда дейсиз?

Чой-пой ичилгандан кейин аёл мардумининг бажарадиган иши ўзингизга маълум. Ҳовли супуради, пол артади. Саккизта хонани ёғ тушса ялагудек қилиб, оёқ қўйсанг, тойиб йиқиладиган даражада ялтиратиб артиш учун уч минг метргача сувда сузиш учун кетадиган куч сарф бўларкан. Агар маликаи диломимиз супургию пол латтага қўл урмай, спортнинг бу тури билан ҳам жиддий машқ қилса борми, мен унинг бу соҳада ҳам сўзсиз ўз иқтидорини намойиш этишига кўзим етади. Чунки унинг Ван Даммникидек чайир ва бақувват қўллари наҳот энди оддий сувни чалпитишга ярамаса?

Ҳадемай тушлик яқинлашади. Тушлик учун пишир-куйдирга кетадиган вақтга икки соатлик спорт ўйинлари учун кетадиган куч сарф бўларкан. Агар аёлим бизга овқат пиширмай спортнинг яна қандайдир бирон тури билан банд бўлса, мен бу соҳада ҳам унинг бирон ютуққа эришишига аминман.

Биласиз, бизнинг қишлоқларда боғчанинг «б» ҳарфи ҳам йўқ. Кун бўйи уйда қоладиган битта супра қоқди-ю, тўртта неварага қараш регби мусобақасида иштирок этиш билан тенг экан. Олимлар анойи халқ эмас-да. Бунинг аниқ ҳисоб-китобини қилишган. Умуман, хотинбойнинг куни бўйи уйда ивирсиб қилган ишлари унчалик кўзга кўринмаса-да, аммо лекин анча-мунча куч-қувват сарфлаши маълум. Бир инглиз олимининг таъкидлашича, бизнинг хотинга ўхшаганларнинг куни бўйи уйда қиладиган меҳнати — икки марта футбол мусобақасида ҳужумчи ўрнида ўйнаган футболчи билан, велосипедда 20 километр йўл босиш билан ёки бўлмаса икки соат тинимсиз теннис ўйнаш билан баробармиш. Хотин бечора бунақа ўйинларни тушида ҳам кўрган эмас. Уйда телевизор ишласа кўрадида. Телевизор ишлаган пайтда бизда кўпинча свет бўлмайди. Бу мисолларни хотинимнинг меҳнатини спортга нақадар алоқадор эканлигини кўрсатиш учун айтаяпман. Адабиётда буни ўхшатишми ёки таққослашми дейишади. Математикада исбот.

Ишдан сўнг диванда ёнбошлаб, «Гиннес»нинг янги чиққан нашрини варақлаб ўтириб, очиғи, хотинимга пича ичим ачигандек бўлди. Ундаги ноёб талант спортга бахшида этилганида борми?

Яқинда, худо хоҳласа, қўшалоқ келин туширмоқчимиз. Ўшанда бу шўрликнинг иши кўпайса кўпаядики, асло камаймайди. Қайси бир келин келиб, қайнонасининг бурнини юмшатганки, бизнинг хотинникини юмшатса...

Бечорага сал раҳмим келса-да, аммо эркаклик ғурурим устун келиб буюрдим:

— Анзират, чойингни тезроқ обкелиб, оёғимни уқалаб қўй. Бугун мажлисда ўтиравериб, нимагадир сал уюшгандай бўлиб турибди... Хаҳ, эрингга унча ичинг ачимай қаттиқроқ-қаттиқроқ эзавер, акангнинг спортсмен хотини!

**Ўткир САИДОВ.**


АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ —

**«ҒАЛЛА БАНК»**

АКЦИЯЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ ЯКУНИ ТЎҒРИСИДА

**ҲИСОБОТ**

- Қимматбаҳо қоғозларнинг тарқатилиши:
  * бошланиш вақти — 2000 йил 29 август
  * якунланиш вақти — 2001 йил 23 март
- Барча турдаги акциялар бўйича бир акциянинг номинал қиймати 100 сўм.
- Сотилган акциялар сони 5000 000 дона, шу жумладан:
  * 485000 000 сўмлик эгасининг номи ёзилган 4850 000 дона оддий акциялар;
  * 15000 000 сўмлик 150 000 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.
- Акциялар чет эл валютасига, моддий бойликларга, номоддий активларга, учинчи шахсларнинг белгиланган маълум нархли қимматли қоғозларига ва қимматли қоғозларни конвертация қилиш йўли билан сотилмади.
- Сотилган акциялардан тушган умумий маблағ 500000 000 сўм.
- Акцияларни тарқатиш пайтида воситачилар жалб қилинмади.
- Чиқарилган акцияларнинг формаси мавжуд, акциялар (акцияларнинг сертификати) банкнинг муҳим ҳужжатлар турадиган жойида сақланди, «ВАҚТ» Миллий депозиториясига акциянинг чиқарилиши ёзилди.
- Ушбу чиқарилиш бўйича сотилмаган акциялар мавжуд эмас.

3999



**«АВТОАЛОҚА»**

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БАРЧА АКЦИЯДОРЛАРИГА

**2001 йил 3 май соат 9.00да «АВТОАЛОҚА» акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий мажлиси бўлади.**

КУН ТАРТИБИ:

1. *Акциядорлик жамиятининг 2000 йилдаги молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот.*
2. *Тафтиш комиссияси ҳисоботи, аудиторлик хулосасини ва балансни тасдиқлаш.*
3. *2000 йил фаолияти бўйича дивидендларни тақсимлаш.*
4. *Акциядорлик жамиятининг ишчи органлари ва бошқарув кенгашига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.*

**2001 ЙИЛ 1 ЯНВАРИГА БЎЛГАН БАЛАНС** *(млн. сўм).*

| | | | |
|---|---|---|---|
| | **АКТИВ** | | |
| I. | Узоқ муддатли активлар | - | 27,6 |
| | Асосий воситалар | - | 21,5 |
| II. | Айланма маблағлар | - | 37,7 |
| | **Жами:** | - | **65,3** |
| | **ПАССИВ** | | |
| I. | Хусусий капитал | - | 55,6 |
| II. | Мажбуриятлар | - | 9,7 |
| | **Жами:** | - | **65,3** |

2001 йилнинг 1 январига бўлган молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (млн. сўм)

| | | | |
|---|---|---|---|
| I. | Соф тушум | - | 78,2 |
| II. | Ишлаб чиқариш таннархи | - | 22,8 |
| III. | Умумхўжалик фаолиятидан фойда | - | 27,6 |
| IV. | Солиқлар | - | 13,5 |
| V. | Фойда | - | 13,9 |

Молиявий натижаларнинг тўғрилиги «Аудит-лидер» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган. ***(МВ 1997 йил 15 апрелдаги 321 - сонли рухсатномаси).*** «АВТОАЛОҚА» акциядорлик жамиятининг низоми жамғармаси - 6640 минг.сўм.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, «Марказ-27» мавзеси, 42-АТС биноси.** 4005


Тошкент Давлат техника университети жамоаси Тошкент электротехника алоқа институтининг ўқув-ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Нурбек Мамбетовга онаси **МАҲКАМОЙ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Молия институти жамоаси иқтисод фанлари номзоди Борихон Рустамовга онаси **МАРҲАБОХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Электротехника алоқа институти жамоаси ўқув ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Нурбек Мамбетовга онаси **МАҲКАМОЙ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия медицина институти раҳбарияти ва меҳнат жамоаси оператив жарроҳлик ва топографик анатомия кафедраси доценти **Абдуҳошим АБДУКАРИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


**«MALVIL» МЧЖ** *саноат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.*



**ДИЗЕЛЛИ ВА БЕНЗИН** БИЛАН ИШЛАЙДИГАН, ҚУВВАТИ 300 ВАдан 800 кВАгача БЎЛГАН

**ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР**

исталган қувватдагиси

Ишлаб чиқарувчилар: **Германия** (GEKO), **Италия** (Litter), **Япония** (Honda), **Россия**

**UPS** - ҚУВВАТИ 300 ВАдан 800 кВАгача БЎЛГАН УЗЛУКСИЗ ОЗУҚА БЛОКЛАРИ

Ишлаб чиқарувчи: **Франция** (MGE).

КАФОЛАТ. ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. ТЕХНИК ХИЗМАТ.

2751

Тошкент ш., 700000, В. Малясов кўчаси, 3, 113,115-хоналар. Тел.: (998-71) 120-68-36, (998-712) 41-31-24, 30-20-36. E-mail: malvil @ operamail. com.



**«ТУРОН»** АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ

***«Лойиҳаларни молиялаштириш» бошқармасининг*** *бошқарма бошлиғи (иқтисодчи), бош мутахассис (иқтисодчи), бош эксперти (иқтисодчи-муҳандис ёки муҳандис), юрист ҳамда* ***«Бюджетни молиялаштириш» бўлимининг*** *қурувчи-муҳандис,* ***юридик бўлим*** *бошлиғи лавозимларига ходимларни қабул қилиш мақсадида*

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Тендер иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:**

- *олий маълумотли (иқтисодчи, муҳандис ва иқтисодчи-муҳандис мутахассисликлари);*
- *инглиз тилида иш юзасидан мулоқот қила олиш;*
- *бош эксперт (2 йил иш тажрибасига эга бўлиши);*
- *қурувчи-муҳандис (2 йил иш тажрибасига эга бўлиши);*
- *бош юрист-маслаҳатчи (2 йил иш тажрибасига эга бўлиши).*

**Ҳужжатлар 2001 йил 10 апрелгача қабул қилинади. Ишга қабул қилинганларга чет эл банкларида малакаларини ошириш имконияти берилади.**

* * *

*«Турон» Акциядорлик тижорат бирлаштирув банки имтиёзли акциялар бўйича 40% ҳисобидан дивиденд тўланишини маълум қилади.*

3940

**Манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 44, тел.: 144-34-61.**



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: *Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001. Буюртма Г — 2115. 32212 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир Болтаев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — М. Норматов.
Мусаҳҳиҳ — О. Абдузимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 21.30 1 2 3 4 5 6